

**ЎЗБЭКИСТОН РЭСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: ЎСМИРЛИК ДАВРИГА ХОС СУИЦИДАЛ ХУЛҚ
КЎРИНИШЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ДИОГНОСТИКАСИ ВА
КОРРЕКЦИЯСИ**

Бажарди:

Шоабдурахимова Умринисо

Илмий рахбар:

п.ф.н Т. Г. Сулейманова

Режа

Кириш

- 1. Суицидал уринишларни содир этган ўсмирлар муаммосининг назарий асосланиши .**
- 2. Ўсмирлардаги суицидал хулқ-атворнинг психологик диагностикаси хусусиятлари**
- 3. Ўсмирлар суицидал хулқ-атворининг психологик-педагогик коррекцияси**

хулоса

фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили бир миллионга яқин ўз жонига суиқасд содир этилиб турар экан, суицидал хатти-ҳаракатларга уриниш ҳолатлари эса бундан 10-20 баравар кўплиги рўйхатга олинган. Кейинги 15 йилда ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари 13-16 ёшгача ўсмирлар орасида икки баробардан ортиқ бўлиб, суицидал хулқ-атворнинг барқарор «ёшариши» тенденцияси кузатилмоқда¹.

Ўсмирлик даврига хос суицидал хулқ-атворнинг асосида таълим-тарбия жараёнидаги нотўғри педагогик-психологик таъсир, ўсмирнинг шахслилик хусусиятлари ва эмоционал ҳолатларидаги салбий ўзгаришларга ота-оналар, педагоглар, ўсмирнинг тенгдошлари томонидан етарли эътибор берилмаслиги сабабли юзага келган ижтимоий дезадаптация, ижтимоий интеграциянинг пасайиши ва беқарорлиги ётади. Ўсмир ва унинг ижтимоий атроф-муҳитдаги ўзаро муносабатларининг бузилиши, шахслараро алоқаларнинг қийинлашуви, ота-оналар, таълим муассасалари ходимлари томонидан субъект эҳтиёжлари, қизиқишлари инобатга олинмаган ҳолда ўтказилган босим, уларда ҳаёт мазмуни, хавфсизлик ва “керак”лилик ҳиссининг йўқолиши, кўпинча суицидал хулқ-атвор намоён бўлиш сабабларидан биридир

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтган асрнинг 70-йилларида бир гуруҳ олимлар томонидан бутуниттифок илмий-услубий суицидологик марказ ташкил этилиб, шу тариқа суицидал ҳолатлар келиб чиқишининг сабабларини ўрганишга нисбатан жиддий ёндашувлар даври бошланди (Дюркгейм Э., Роджерс К., Ассаджиоли Р., Эриксон М., Амбрумова А.Г., Канн А., Ковалёв В.В., Личко А.И.). Юқоридаги тадқиқотларнинг аксарияти А.Г.Амбрумованинг суицид муаммосини, микроижтимоий низоларни ҳис этиш шароитидаги шахснинг ижтимоий-психологик дезадаптацияси оқибатида юзага келадиган суицидал хулқ-атвор концепциясига асосланади.

Суицидал хулқ муаммосини ўрганиш, унинг олдини олиш борасида республикамизда ҳам бир қатор илмий изланишлар олиб борилган.

¹(www.medportal.ru)

Жумладан, А.С.Ахунжанова, Н.Соғинов, Э.Усмоновлар ўз тадқиқотларида Ўзбекистонда суицид муаммосининг умумий тавсифи, хотин-қизлар ўртасидаги ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатларининг ижтимоий-психологик сабабларини таҳлил этиб, ўсмир қизларда ўз жонига суиқасд қилиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар. Б.М.Умаров болалар ва ўсмирлар суицидининг ёш ва ижтимоий психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича махсус психологик тадқиқот ишларини олиб борган мутахассислардандир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ушбу муаммонинг ўрганилиши катта илмий-назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Чунки ўсмирларнинг таълим-тарбиявий ишларига мутасадди ходимларнинг фақат айримларигина: а) ўсмирларнинг пубертат даври хусусиятлари; б) рухий зўриқиш ҳолатлари; в) ўсмирлик даврининг депрессияси; г) катталар билан юзага келадиган ўзаро низоли вазиятлар ва уларни бартараф этишнинг тарбиявий усул ҳамда воситалари тўғрисида зарур маълумотга эгадирлар. Ўсмирлар ҳам ўзларининг ёш хусусиятлари тўғрисидаги билимларга, тенгдошларига ёрдам бериш кўникмаларига эга бўлмаганликлари туфайли нохуш вазиятларда ўртоғини ўз жонига суиқасд қилишдан сақлаб қолишга қодир эмаслар. Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўз жонига суиқасд қилиш механизмларининг назарий ва амалий жиҳатдан етарлича асосланмаганлиги, ушбу ёшдагилар суицидининг психологик, педагогик профилактикаси, диагностикаси, коррекцияси амалиётда кенг қўлланилмаётганлиги, ўсмирлар суициди ва унинг олдини олиш тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги, улар ўртасида суицидал фаолликни чеклаш ва олдини олиш тарбиявий чора-тадбирлари етарли натижалар бермаётганлиги мутахассислар, олимлар томонидан таъкидланмоқда.

Суицидал хулқ-атворнинг замонавий таҳлили

Суицидал хулқ тадқиқотчилар томонидан аутодеструктив (ўзини-ўзи маҳкум этувчи) хулқ тарзида кўрилиб, унинг белгиси сифатида ўз шахси ва саломатлигини онгли равишда бузиш тенденцияси намоён бўлади.

К. Озватҳнинг фикрича, аутодеструктив хулқ-атвор бехосдан ёки ҳаддан зиёд кучли зўриқишли (стрессли) таъсир натижасида хулқнинг индивидуал механизмларининг панд бериши ёки етарлича эмаслиги оқибатидир.

Амалга оширилган назарий таҳлил асосида Р.Ф. Баумеистер, С.Ж. Ссхерлар] аутодеструктив хулқнинг уч типини кўрсатиб ўтишади:

1. Бирламчи аутодеструкция: индивид ўзига зарар етказишга уринади ва онгли равишда уни амалга оширади. Бундай хулқ асосини инсондаги кучли салбий эмоциялар ташкил этиб, ўзининг камчиликларига диққатнинг қаратилиши туфайли, ўзига нисбатан салбий муносабатни шакллантиради.

2. Аутодеструктив хулқ паттерннинг қарама-қарши томони сифатида самарасиз стратегия: инсонлар эзгу мақсадларга интилишади, аммо самарасиз стратегияни қўллаган ҳолда ўзларига зиён-заҳмат етказишга уринади.

3. Аутодеструктив паттерннинг учинчи типиди инсон ўзаро бир-бирини истисно этувчи икки мақсадни кўзлайди. Бир неча қарама-қарши мақсадлар доирасидан бирини танлаш, унга сарфланган ҳаракатлар ижобий натижалардан юқори бўлиб, фикрларда хатоликлар мавжуд эканлигидан дарак беради..

Р.Ф. Баумеистер, С.Ж. Ссхерларлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда аутодеструктив хулқ-атвор турли шаклларининг таҳлилига доир маълумотларга кўра, улар асосан иккинчи ва учинчи типга киритилиши мумкин, бироқ биронтаси ҳам биринчи аутодеструктив хулқ тоифасига киритилмайди. Муаллифлар хулосасига қараганда, соғлом кишилар ўзларига етказилган зарарни ноадекват реакциялар, самарасиз методларнинг кутилмаган натижалари, таваккал ва сарфланган кучни нотўғри баҳоланиши натижасида етказишади. Бунда асло онгли равишда ўз-ўзини ҳалок этишга

интилиш кузатилмайди. Ушбу ҳолатларда ўз вақтида кўрсатилган педагогик –психологик таъсир, шахсда ўз-ўзини бошқара олиш, муаммони ҳал этилишининг бошқа, альтернатив усул ва воситаларини излаб топиш мотивациясини шаклланишига ёрдам беради. Когнитив соҳада ижобий ўзгаришлар эса, ўз фикр ва мулоҳазаларидаги хатоликларни тўғри таҳлил этиш имконини беради. О.Ю.Степанченко] маълумотларига кўра, «Томск ригидлик сўровномаси» асосида аниқланишича, психик ригидлик суицидент шахс тузилмасининг доимий компоненти ҳисобланади. Бунда аниқланган юқори кўрсаткичлар стресс шароитларида шахс суицидал хулқ-атворини кўзғатувчи хавфнинг индивидуал омиллари ҳисобланади. Мазкур хусусиятлар суицид хавфининг дифференциал-диагностикаси ва прогностик мезони сифатида хизмат қилиши мумкин.

Суицидентлар учун нисбатан ташқи локус- назоратнинг намоён бўлиши характерлидир. Мазкур далил шундан гувоҳлик берадики, суицидентлар ўзларининг ҳаракатлари, шунингдек, ҳаётларида содир бўлган воқеалар учун жавобгарликни ўз зиммаларига олмасдан, балки уни тақдирга, тасодифга, бошқа одамларга юклатишади..

Потенциал ўз жонига суиқасд қилувчининг муҳим белгиси бу – амбивалентлик бўлиб, у ҳақиқий ниятларни аниқлашни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам баъзан ўз жонига суиқасд қилишга уринган одамлар ҳақида: «Депрессияга ўхшамайди. Кеча кечқурун унинг кайфияти жуда яхши эди» тарзидаги сўзларни эшитиш мумкин .

Вақтли истиқбол ўзида инсон ҳаётининг вақт соҳасини акс эттирувчи ва кўп соҳали тузилишга, маълум мазмун ва бир қатор динамик кўрсаткичлар, давомийлик, йўналганлик, келишилганлик (когерентлик), эмоционал фонга ва бошқаларга эга бўлган, муҳим шахсий тузилмани ифодалайди. Суицидентлар гуруҳида ўтмиш, бугун, келажак кўрсаткичлари бўйича вақт истиқболининг ўзгариши аниқланган. Шахс вақтли истиқболининг бузилиши суицидал тасаввурлар билан боғлиқ бўлиб, вақтнинг салбий тасаввури эса суицидга мойиллик ва нотинчлик ҳолатига

аҳамиятли таъсир қилиб, бу билан потенциал суициднинг индикатори вазифасини ўтайди [

Ўз ҳаёти давомида инсон бир неча маротаба қийин вазиятлар, ишнинг ўзгариши, жиддий касалликлар, оилавий инқирозлар ва бошқалар билан тўқнашади. Мазкур кечинмалар нафақат эмоционал стрессни келтириб чиқариши, балки инсоннинг жисмоний ва психологик саломатлигига узок муддатли кумулятив таъсир кўрсатиши мумкин. Одатда инсон ҳаёт қийинчиликлари вазиятида пассив бўлиб қолмасдан, уларни енгиб ўтишга уринади. Енгиб ўтишга уринишга ҳаракат услубида шахснинг вайрон қилувчи таъсирларга мослашиш қобилияти назарда тутилади. Суицидентларга низоли вазиятнинг мураккаблигини субъектив қайта баҳолаш, чорасизлик ҳисси, юзага келган инқирозли вазиятдан чиқиб кетишнинг тасаввур этилган вариантларида ўз муаммоларининг ечимсизлигига қатъий ишонч характерлидир.

Эмоционал йўғрилган доминантли кечинмалар қийин вазиятлардан чиқиб кетишнинг оддий шароитларда маълум бўлган вариантларидан фойдаланиш имкониятини вақтинча тўсиб қўяди. Худди шу вақтда яқунланмаган суициддан сўнг, ўз ҳаётига суиқасд қилганларнинг кўпчилиги низоли ҳолатдан чиқиб кетишнинг бир нечта йўлини синаб ўтишиб, содир этилган ҳаракатга етарлича танқидий муносабатда бўлишади .

Суицидал хулқ-атвор умуминсоний реакцияларнинг бир кўриниши сифатида суицидал фаолликнинг барча босқичлари, индивиднинг шахсий ҳаракатлари асосидаги ўлимнинг эҳтимолий ҳамма вариантларига муносабатини қамраб олиб, уларга қуйидагилар тегишлидир

- *суицидал фикрлар* (пассив-тасаввур, ўз ўлими мавзусидаги ҳаёлот (фантазия), фаол – кўнгилли тарздаги ўлим ҳақида тўғридан-тўғри эътироф);

- *суицидал ният* – суицидаллик намоён бўлишининг фаол шакли, яъни ўз жонига суиқасд қилиш тенденцияси, унинг чуқурлашуви, уни амалга ошириш режасининг ишлаб чиқилганлик даражасига мувофиқ рўёбга чиқиб , суицид усули, ҳаракат вақти ва жойи ўйлаб кўрилади;

- *суицидал мақсадлар* – иродавий қарорлар қабул қилишга эргашиш;
- *суицидал уринишлар* –ўзини мақсадли равишда ҳаётдан жудо қилишга ҳаракат;

- *суицидлар* (намойишкорона, аффектив ва ҳақиқий).

Суицидал фикрлар босқичида суицидал жараён тўсиб қўйилиши, қайтарилиши ёки ўзининг ривожланишини давом эттириши ҳам мумкин. Шу боис, суицидал фаолликни келтириб чиқарувчи ижтимоий, психологик, педагогик омилларни ўз вақтида аниқлаш, ҳамда суицидал установкаларни инобатга олиш лозим. Д.Н.Узнадзенинг] маълумотларига кўра, установка— бу маълум бир ҳаракатларни содир этишга психофизиологик жиҳатдан тайёрлик бўлиб, у инсон хулқ-атворини тартибга солади, уни мақсадга йўналтиради. Бироқ унинг ҳаракат механизми субъект томонидан англанолмайди. Бунда фақатгина онгнинг йўлловчи жараёнлари ҳақида гап бориши мумкин ҳолос. Маълумки, уларни тўлиғича баён этиш имкони мавжуд эмас

Суицидал установка– бу ўз устидан зўрлик ҳаракатини амалга оширишга потенциал тайёрлик бўлиб, унга: суицидал фикрлар, мақсадлар ва салбий эмоциялар (депрессия, ҳавотир, айбдорлик ҳисси), шунингдек, суицидал уринишларни тайёрлаш ва амалга ошириш характерлидир

Ўз жонига суиқасд қилишга муваффақиятсиз ҳаракат–инсонда ўз ҳаётини тугатиш мақсади бўлмаганлиги тасдиғидир, деган нисбатан тўла асосли бўлмаган фикр мавжуд, чунки амалиётда ўз жонига суиқасд қилишга уринган бир қанча инсонлар қайтадан суицидал ҳаракатни содир этганликларини кўрсатмоқда. Суицидентлар учун иродавий ҳаракатларни намойиш этишда мушкуллик, қарор қабул қилишнинг қийинлашуви ва зерикаш хос [Суицидентларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири-стресс ва фрустрация вазиятларида фаолликнинг йўқолиши, келажакка ишончнинг пасайиши ҳисобланади

Суицидентларнинг коммуникатив тизими тўлақонли эмаслигига атрофдаги одамлар билан алоқаларнинг бузилганлигига, ижтимоий

муносабатлар эса танқислигига, эмоционал изоляция ва ёлғиз яшаш гувоҳлик беради

Суицидал ҳаракатлар такрорланишининг олдини олиш учун психологик-педагогик таъсир кўрсатишни қўллаш имконияти мавжуд. Бунда мутахассисдан суицидни ички низони бартараф этишнинг воситаси сифатида тушуниш, суицидент учун эса ўзининг суицидал тенденциясини рефлексивлаштириш қобилияти талаб этилади. Ўз жонларига суиқасд қилганларнинг ниятларини билдириш масаласига нисбатан қарама-қарши қарашлар мавжуд. Патрис Ж.нинг, маълумотларига кўра, ўз жонига суиқасд қилишга нисбатан тўғридан-тўғри фикр билдириш суицид хавфини аниқлашга нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлиб, ўз жонига суиқасд қилишга таҳдид қиладиган шахсларнинг фақатгина 3-5 фоизгина яшашни хоҳламасликларини ишонч билан билдиришади. Ўз жонига суиқасд қилишни содир этган ҳар ўн кишидан тўққизтаси ўз ниятларини ошқора қилишган бўлиб, овоз чиқариб билдирилган истак осонлик билан эшитилади ва шунинг учун билвосита билдирилган ҳолатдан кўра, омон қолиш учун кўпроқ имконият қолдиради.

1. Вербал – ўлим истаги ҳақида билдирмоқ (тўғридан-тўғри – масалан, «яшашни хохламайман», билвосита – масалан, «мен ухлашни ва қайта уйғонмасликни истайман»).

2. Новербал (ҳаракатли). Суициднинг сўнгги тайёргарлигини амалга ошириш кўп ҳолларда узр сўраш, юридик ҳужжатларни тайёрлаш (масалан, васиятнома)ни ёки ҳар қандай шахсий мулкни, масалан, севимли китоблар ёки маркалар коллекциясини совға қилишни ўзида акс эттиради. Бунда ўсмир ўзининг хулқ-атвор йўналишини, биринчи қарашда, сабабсиз ўзгартиришига алоҳида эътибор кўрсатиш лозим. Субъект ҳаётда қувноқ ва фаол инсондан одамови, аутик, ўз ички дунёсига ғарқ бўлган, хушкўрмас кишига айланиб қолади. Ёки, аксинча, оғир-вазмин ўсмир ўзини одатдагидан қувноқ кўрсатади. Хотиржам, вазмин ўсмирлар кўп ҳолларда ҳаёт учун хавф билан боғлиқ бўлган экстремал вазиятларни қидира бошлайди (пассив суицид).

3. Вазиятли – аниқ бир вазиятдан келиб чиққан ҳолатларда амалга ошади (ота-онанинг ажралиши, оилада, тенгдошлари орасидаги ўткир ёки сурункали низолар, яқин кишисининг ўлими, жинсий зўравонлик, молиявий инқироз ва ш.к.).

4. Психологик бузилишлар (депрессия, шизофрения ва ш.к.), соматик касалликлар (онкологик ва ш.к.) ёки ўсмирнинг психик ҳолатидан келиб чиқади (алкоголь, гиёҳванд моддалар ва ш.к.).

Ҳар қандай ҳолатларда суицидал таҳдид ва суицидал тенденциянинг мавжудлиги ўсмирнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавф туғдиради. Шунинг учун, ота-оналар, педагоглар ва тарбиячиларининг ўсмир хулқи ва эмоционал ҳолатларида юзага келадиган барча кескин ўзгаришларга алоҳида эътиборларини қаратишлари зарурдир.

Суицидал хавф омилларига суицидал фикрлар ва истаклар, олдинги суицидал уринишлар ва постсуицидал (суицидал уринишдан кейинги) давр (3 ойгача) киради

Суицидал хавфнинг омили сифатида ижтимоий нуфузнинг йўқотилиши ҳам кўриб чиқилади. Инсоннинг ижтимоий мавқеи қанчалик юқори бўлса, суицид хавфи ҳам шунчалик паст даражага эга бўлади ва бунга мос равишда ижтимоий мавқенинг пасайиши–ўз жонига суиқасд қилиш хавфини оширади

Ҳаётий зўриқиш (стресс)лар, айниқса, ўсмирларнинг суицидал хулқ-атвори хавфи таркибига киритилган. Суицидентларнинг 90 фоизи суицид олдида биттадан ортиқ стрессорлар таъсирини сезишган

Суицидал фаолликни келтириб чиқарувчи экстраперсонал омиллар тарзида: 1) психозлар, психик бузилишлар ;2) ўз жонига суиқасд қилиш тўғрисида вербал ахборот билдириш, такрорий суицидлар, суициддан сўнги 3 ой (эрта постсуицид);3) ўсмирлик ёши;4) экстремал вазиятлар, бегоналашув, ёлғизлик; 5) оиладаги, жамиятдаги ижтимоий мавқенинг йўқотилиши, айниқса ўз атрофидаги тенгдошлари орасида исталган статусига (ўрнига) эга бўлмаслик; 6) низоли ва жароҳатловчи вазиятлар; 7) алкоголь ва наркотик моддаларни истеъмол қилишни келтириш мумкин.

Суицидал фаолликни келтириб чиқарувчи интроперсонал омилар сифатида: 1) характер акцентуацияси; 2)эмоционал юкламаларга нисбатан чидамлилигининг пасайиши; 3)коммуникатив жараёнларнинг тўлақонли бўлмаслиги; 4) ўзига- ўзи тўғри баҳо бера олмаслиги; 5) ҳаётий қадриятлар ва установкаларни бўлмаслиги ёки етарли эмаслиги тан олинади.

Ташқи ва ички омиллар суицидал хулқ-атворнинг пайдо бўлишини осонлаштиради, бироқ уни олдиндан аниқламайди. Суицидни “чиқариб” юборувчи ҳақиқий сабаблар ички мотив ҳисобланади. Турли вазиятларда суицидал хулқ -атворга турли турли мотивлар таъсир кўрсатиши мумкин.

Суицидал хулқ-атвор муаммоси таҳлилига турли ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: психопатологик, социологик, ижтимоий –психологик.

Суицидни тадқиқ этишнинг психопатологик назарияси тарафдорлари (Р.Гюбнер, Ф.В.Рибоков, ва бошқалар) уни ўткир ёки сурункали психик бузилишлар намоён бўлишининг шакли сифатида қарашади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг С.А.Ахунжанова раҳбарлигидаги илмий тадқиқот гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган “Шахс инқироз ҳолатлари ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш” услубий тавсияномасида “Ўз жонига суиқасд қилишнинг сабаблари орасида руҳий касаллар тоифаси мавжудлиги, лекин руҳий касал аёлларнинг дилини оғритадиган омиллар бўлмаса, ҳеч қандай сабабсиз ўз-ўзини ёндиришга уринмайдилар” деб, таъкидлаган[14].

Демак, зикр этилган психопатологик назариялар суициднинг келиб чиқиш сабабларини тушунтиришга бир ёқлама ёндашилганликни кўриш мумкин.

Бизнингча, психопатологик назарияларга А.Е.Личко (1995)нинг нуқтаи назари яқин бўлиб, ўсмирлардаги суицидал хулқ, аввало, характер акцентуацияси негизида келиб чиқувчи психопатик ва психопатик бўлмаган реактив ҳолатлар натижаси эканлиги уқтирилади

Умуман олганда, психопатологик назариялар маълумотларида суицидал хулқ ва патологик ҳолатлар ўртасида аниқ бир боғланиш борлиги аниқланмаган, шунга қарамай, суицидентларда ўткир психотик ҳолатларни келтириб чиқарувчи депрессия оқибатида суицид хавфи юқорилиги исботланган.

Суицидни тадқиқ этишнинг социологик назарияларида, ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатларини келиб чиқишнинг сабаблари ижтимоий ривожланиш шароитлари билан ўзаро боғлиқда тушунтирилади. Ушбу назариянинг асосчиси Э.Дюркгеймнинг ”Суицид жамиятнинг меъёрий қадриятлар тизимидаги бузилишидир”, деган фикрлари юқоридаги мулоҳазаларимизни исботлайди, деб ўйламиз. Амалий тадқиқотлар таҳлилида жамиятда ўзаро жипслик, яқин жамоавий алоқа мавжуд бўлса, ўз жонига суиқасд қилишликнинг сони камайганлиги, агар ўзаро жипслик ва яқин алоқалар сусайса, инсон ўз мақсадларини, жамиятга интилишдан афзал кўради, бу билан эса ҳаётдан кетиш танловининг эҳтимоли ортиши таъкидланади

Тарихда урушлар ва инқилоблар даврида ўз жонига суиқасд қилишлар миқдори камайгани тўғрисидаги маълумотлар мавжуд, лекин уруш ва инқилоб йилларида ўз жонига суиқасд қилишни бошқалар томонидан пайқалмаган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, дайди ўқ эмас, ўзини тутиб бериш ёки тасодифий деб қаралган бошқа ўлим, аслида суицид бўлиши мумкинлигини истисно қилмайди.

Ижтимоий психологик назариялар суицидни ижтимоий-психологик ёки индивидуал омиллар натижаси сифатида тадқиқ этишади.

В. Франклнинг фикрича, “Суицид, энг аввало ҳаёт мазмунини йўқотиш оқибатида келиб чиқувчи, ожизлик, айбдорлик, бўшлиқни ҳис этилиши, экзистенциал хавотирланиш билан боғлиқликдан келиб чиқади

А.Т. Амбрумова ва бошқалар суицидни шахс ички низоларидан келиб чиқувчи ижтимоий дезадаптация омили сифатида кўришади. Ижтимоий - психологик дезадаптация бу организм ва уни ўраб турган ижтимоий

мухитининг ўзаро номутаносиблиги натижаси бўлиб, шахс томонидан мослашувчанлик даражаси лимитлаштирилган (чекланган), яъни (патологик бўлмаган), трансформациялашган (ўтиб турувчи) ёинки, патологик даражаларини ажратиб ўтган. Ҳар бир дезадаптация тури қисман ёки умумий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Экстремал вазиятларга шахслар турлича мослашадилар. Инқирозли вазиятларга нисбатан эгилувчан бўлган шахслар ўзларининг олдинги адаптация даражасини сақлаб қоладилар. Иккинчи тоифадаги шахсларда вақтинчалик ҳаётий фаоллик пасаяди, лекин асосий адаптация хусусиятлари ўзгармайди. Бу ҳолатларда дезадаптация, патологик ҳуққ қўринишларини келтириб чиқармайди.

Экстремал вазиятлар индивидуал муаммолар билан (неврозлар) бирга намоён бўлган ҳолатларда ҳуққ бузилишлари келиб чиқиш эҳтимоли ортади.

А.Г. Амбрумованинг таъкидлашича, бундай вазиятларда ижтимоий дезадаптация ҳолати ижтимоий мослашувчанлик даражасини пасайтиради, шахснинг қадриятлари тизими, коммуникатив, эмоционал жабҳалардаги бузилишларга олиб келади. Психотик бузилишлар-бу энг аввало. чуқур дезадаптация натижаси сифатида қўрилади [56]. Бу назария ҳам суицидни келиб чиқишнинг сабабларини тўла тушунтириб бера олмайди. Чунки объектив сабабларнинг шахс томонидан субъектив тарзда англаниши, ўзаро бир- бирига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Оиладаги эмоционал инкор этилганлик, ҳимояланмаганлик, тарқ этилганлик, турғун қўрқув каби салбий эмоцияларнинг юзага келиши, ижтимоийлашувнинг бузилиши, стресс ва фрустрацияга заиф толерантлик, аффектив реакцияларни назорат қилишнинг пасайиши, ўз қадр-қимматини ҳис қилишнинг етарлича ривожланмаганлиги, шахснинг ҳимоя механизмларининг заифлашуви, ўзининг беқадрлиги, ҳатто ўзининг кераксизлигини ҳис қилиши, теварак-атрофдаги оламга ишончсизлик, ўз имкониятларига ишонмасликни туғдиради. Бундай ҳиссиёт ўсмирликда деструктив ҳуққ моделини «жазони қидириш», аутоагрессия, такрорланувчи суицидал уринишлар, гиёҳванд моддаларга иштиёқ ва антисоциал

ҳаракатларни келтирб чиқарувчи салбий идеаллар тарзида намоён бўлади Ота-оналар билан низолар ўсмирлик давридаги суицидал ҳаракатларнинг асосий сабабларидан бирини ташкил этади. Эмансипация реакцияси таъсирида оиласидан узоқлашув, бир вақтнинг ўзида ўсмирнинг яқин, эмоционал тасвирли муносабатларга эҳтиёжи уни оила муҳитидан ажралиб чиқишга ва илиқликни уйдан ташқаридаги, кўпинча асоциал хулқ-атворли катта ёшдаги кишилар даврасидан қидиришига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида ўсмирнинг ота-онаси билан низоларнинг кескинлашуви ва кучайишига олиб келади

Доимий назорат ва мустақилликка нисбатан эҳтиёж ўртасидаги низолар; ота-она ўртасида ўсмир таълим-тарбияси ҳақида бирор фикрнинг бўлмаслиги (дўстлар орттириш, кийиниш, муסיқа танлаш борасида) ўсмир билан дўст бўлишга интилган ота-оналар ибрат, лекин кўп ҳолларда маъруза шаклидаги даъватга нисбатан унинг эътирозли хулқи шартли манфаатли симтом (белги) ролини ўйнаб, суицидал хулқ кўринишларини келиб чиқиш сабабларидан бирига айланиб қолади. Бундай вазиятларда ўсмирнинг хулқ-атвор муаммолари дисфункционал оилаларда ота-оналарни муросага келтириш омили ролини ўйнайди.

Тушкунликка тушган ўсмир, суицидал уринишни фақат бир мақсадда: ота-онасининг ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатиш, ўзининг эҳтиёжларига уларнинг эътиборини қаратиш, оилада тинчликни ўрнатиш учун амалга оширади

Б.М.Умаровнинг тадқиқотларида оилавий низоларга боғлиқ бўлган суицидал уринишларни тугалланганлик ва тугалланмаганлик даражаси турли эканлиги аниқланган. Масалан, севги муҳаббатга боғлиқ мотив асосида содир этилган суицидларда леталлик коэффиценти 0,9 га тенг бўлса, яқин кишисининг ўлими туфайли содир этилган суицидал уринишларда леталлик коэффиценти 1.2га баровардир

**Ўсмирларда суицидал уринишларга мойилликни аниқлашнинг
психологик методикалари**

Нисбатан бевосита, онгостидаги ва идрокка бўйсунмайдиган индивидуал-шахсий хусусиятларнинг намоён бўлиши проектив методикалар ёрдамида аниқланиши мумкин. Хусусан, «Инсон тасвири», «Уй-Дарахт-Инсон», «Мавжуд бўлмаган жонзот» каби тест методикаларида низо маркази сифатида бўйин билан манипуляция қилинувчи жамики ҳаракатлар ўз жонига суиқасд қилишнинг жиддий омили ҳисобланади

А.Г. Амбрумова, О.Э. Калашниковаларнинг маълумотларига кўра, суицидентлар «Рангли танловлар методи» рангли тести асосида биринчи позицияда кўп ҳолларда бинафша рангни танлашиб, бу инсоннинг индивидуал ўзига хослиги, қарашлари, қизиқишлари ва ҳаракатларининг ажралиб туриши билан боғлиқ бўлган ижтимоий адаптациянинг қийинчиликларини акс эттиради. Танлаш жараёнида бинафша рангнинг афзал кўрилиши психик стресс, айбдорликни ҳис қилиш, итоаткорлик ва умидворликнинг устуворлигини ифодалаб, аффектнинг нисбатан лабиллигини кўрсатади

Д.Д. Федотов ҳаммуалифлари билан бирга қайд этишича, суицидал уриниш ва истаклар (истерик реакция типиди) ўсмирларда сурункали оғзаки камситилиш, яқинлари томонидан улар фикрининг писанд қилинмаслиги, мустақиллигининг чекланиши, алкогольни суистеъмол қилиш ва бошқа гиёҳванд моддаларни қабул қилиш, ушбу ёшга хос бўлган жинсий муаммолар билан боғлиқ низоли вазиятларга нисбатан жавоб реакцияси тарзида юзага келади.

Ўсмирларда суицидолди синдроми мезонларини қуйидагиларда умумлаштириш мумкин

- анамнезда ўз жонига қасд қилиш фикрларининг мавжудлиги;
- дисфорик ҳолат қисмлари (ғамгинлик, хафалик, тушкунлик ҳисси);
- уйқусизлик, чарчоқлик, вегетатив ўзгаришлар каби бузилишлар;
- ўз жонига қасд қилишни амалга ошириш усуллари ҳақидаги аниқ тасаввурлар шаклланади.

Суицидолди синдроми С. энасхессу, А. Ретезеану лар томонидан клиник психиатрия ва инсониятнинг онтологик муаммолари (критик вазиятида инсон мавжудлигининг муаммоси сифатида) чегарасида ўрганилади.

Суицидолди синдромининг “продромал симптом”ли уч босқичи ажратилиб кўрсатилди

- психик таранглик босқичи;
- маргинал вазият босқичи;
- психик кескинликни юмшатиш босқичи.

Ўсмирлик суицидини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда, суицидал уриниш содир этганларнинг хулқи суицидолди ҳолати ва белгиларини, соматик ўзгаришларни таҳлил қилинганликларини кўрамиз. Жумладан, Б.М.Умаровнинг тадқиқотларида пубертатолди ва кичик пубертат ёшида суицидал хулқнинг асосий мотиви ҳисобланиб ҳисобланиб, асосан, рухий носоғломлик ва кўрқинч ҳолатларига алоқадор бўлган низоли кечинмалар (6,9 фоиз, 30,7 фоиз) бўлса, пубертат ва пубертатдан кейинги ёш давларида шахсий, оилавий, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги низолар (39,2 фоиз, 44,9 фоиз) ҳамда ижтимоий ахлоқ нормалари билан боғлиқ бўлган низолар ташкил этиши аниқланган

Шахснинг онгсиз тенденциялари ҳақидаги маълумотни суицидентларни ўлим олдида қолдирган мактубларининг хусусиятларини ўрганиш орқали олиш мумкин. М.Ж. Седейн нинг маълумотларига кўра, улар учун умумий хусусиятини матнни варағининг бутун кенглигини эгаллаши, ён чизиқлар кичик ёки мавжуд эмаслиги, сатрлар бир-биридан ажратилмаганлиги ташкил этади. Дастхатнинг бир хиллиги, ўзагининг параллеллиги, босимнинг қаттиқлиги, турғунлиги билан тафсифланади. Ушбу характеристикалар сенсор идрокка мос бўлиб, унга интуитив идрокдан фарқли ўлароқ яққол оламни ҳозирги вақтда англашлик ҳосдир. Агар реалликни баҳолашда сенсор идрок устуворликка эга бўлса, ҳақиқатда эса вазият ёмонлашса, чорасизлик осон ҳис қилинади.

«Вақт оралиғини санаш» методикасини бажариш давомида суицидал уринишларни содир этган ўсмирларда дақиқани ўлчаш суръатининг жадал тезлашуви аниқланган

Ю.Р. Вагиннинг маълумотига кўра, «Ассоциатив тест»ни бажариш пайтида ўлимга алоқадор сўзларга реакция кўрсатиш вақтининг икки маротабадан кўпроқ оширилиши, синалувчиларда улар томонидан тўлиқ англолмаганлигига қарамай, авитал фаолликнинг оғир патологик даражаси намоён бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш имконини берган.

Суицидал тенденцияга эга бўлган шахсларда «ММПИ» ва Спилбергер-Ханиннинг «ўзини баҳолаш шкаласи» методикалари бўйича хавотирланишнинг юқори даражаси аниқланган.

Интернет сайтларида ўз жонига суиқасд қилишнинг турли усул ва воситалари, маросимлари ёритилган маълумотлар бевосита инқироз ҳолатидаги ўсмирни ўз жонига суиқасд қилишга ундовчи омилга айланмоқда. Амалиётда мобил телефонлари, интернет орқали ўсмир шахсига нисбатан ҳақорат, камситилиш ҳолатлари натижасида келиб чиқаётган суицидал ҳаракатлар ҳам қайд этилмоқда. Шунга ўхшаш салбий омилларнинг ўсмирлар учун аҳамиятлилиқ даражаси юқори эканлиги, улар ўртасида ўтказиладиган психопрофилактик тадбирлар режасига киритилиши ижтимоий зарурият эканлигини рўй-рост асослайди.

2 Ўсмирлардаги суицидал хулқ –атворнинг психологик диагностикаси, психокоррекцияси,.

Психологик диагностика ва коррекция ўзини-ўзи маҳкум этувчи хулқ-атвор шакллари, энг аввало, ўз жонига суиқасд қилишга уриниш ёки суицидал ҳаракатларнинг олдини олишга мўлжалланган, руҳий зўриқиш (стресс) вазиятларига нисбатан жавоб реакцияси билан боғлиқ ижтимоий-психологик дезадаптация ҳолатида бўлган ўсмирларга ёрдам беришга қаратилган психологик метод ва усуллар тўпламидир.

Психологик коррекциянинг мақсади: шахс психик кўрсаткичларини меъёрга келтириш, инсонга жамият талаблари асосида психик бузилишларнинг асоратли даражага етмасдан туриб фаолият кўрсатиш учун мақбул (оптимал) шароитларни яратишдир.

Ўсмирлар билан ўтказиладиган педагогик-психологик коррекция, аввало, оилада ўсмир шахси ривожланиши учун мақбул бўлган психологик муҳитнинг шаклланишига эришиш, унда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик ҳамда ҳурматга асосланган жамоани жипслаштириш, ўсмирларда ўз-ўзини намоён этиш имкониятларини топа олишига имконият яратиш, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ижтимоий фойдали фаолият йўналишларига жалб этиш, ўз олдига қўйган мақсад, шунингдек, истиқболли режаларни амалга ошириш мотивациясини шакллантириш каби вазифаларни қамраб олади.

Ўсмирлик даврига хос психологик диагностика ва коррекция куйидагилар билан тафсифланади:

- психологик ёрдамни орқага суришнинг мумкин эмаслиги;
- суицидал хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келувчи деструктив - психологик установкаларни аниқлаш ва коррекциялашга йўналганлиги;
- ижтимоий-психологик мослашувчанлик даражасини таъминловчи, шунингдек, индивид барқарорлиги ва шахсий юксалишига хизмат қилувчи, турли кўринишдаги шахслараро низоларни ҳал этишнинг янгича усуллари излаб топиш ва тренингни амалга оширишдан иборат.

Психологик диагностика ва психокоррекция одатда учта асосий вазифани бажаради:

- психологик қўллаб-қувватлаш;
- психологик аралашув;
- ижтимоий-психологик мослашув даражасини ошириш.

Психологик диагностика ва коррекциянинг бир неча босқичлари мавжуд Булар:

- психологик алоқа ўрнатиш;

- суицидал хавф бўлган ҳиссиётни очиб бериш;
- хулқ-атвор муаммоларини ечиш ва адаптив кўникмаларни сафарбар этиш;
- хоҳишга кўра, шартнома тузиш.

1. Психологик алоқа ўрнатилишининг асосини ўсмирнинг хайрихоҳлик, сабр-тоқат билан гумонсиз ва танқидсиз тингланиши ташкил этади. Шунингдек, амалий психологнинг ўз мижози томонидан ўсмирлик даври муаммолари хусусида чуқур билимга эга, тушунувчан, сезгир ва ишончга лойиқ инсон сифатида қабул қилиниши психокоррекцион жараённинг муваффақиятини таъминлайди.

2. Суицидал хавфга эга ҳиссиёт моҳиятини очиб бериш ўсмирнинг сўзсиз қабул қилиниши шароитида юз бериб, унинг ўзини-ўзи идрок этишини таъминлайди. Психологнинг ўсмирни хайрихоҳлик билан тингланиши, мавжуд эмоцияларга таъсир кўрсатишни осонлаштириб, тангликни зўриқишини самарали камайтиради.

3. Хулқ-атвор муаммоларини ечиш ва адаптив кўникмаларни сафарбар этиш, антисуицидал омиллар, эришган муваффақиятларни ўсмир учун аҳамиятли соҳаларда фаоллаштириш, унинг ўзини-ўзи ҳурмат қилишини, инқирозни ҳал қилиш учун ички имкониятларига ишонишини орттириш йўли билан рўёбга чиқади.

4. Шартнома тузиш, унинг ўсмир учун тушунарли атамаларда ифодаланиши, у билан психологик диагностика ва коррекция мақсади, вазифалари, уни ўтказиш муддатлари, ҳамкорлик фаолияти натижалари мажбуриятини тақсимлаш, субъект томонидан ўзининг суицидал тенденцияларининг мустақил назорат қилиниши, шунингдек, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг бажарилишига жавоб бериш ҳақидаги келишувни назарда тутати. Психологнинг ижтимоий алоқалар ўрнатишида ўсмир учун аҳамиятли бўлган бошқа яқин кишилари ўртасидаги воситачилиги ҳам келишилади.

Қўллаб-қувватлашнинг асосий вазифаси- психологик диагностика ва коррекциянинг психологик аралашув босқичида амалга ошириладиган, суицидал хавфли тенденциялар фаоллигини пасайтирувчи, аффектив бузилишларда когнитив ўзгаришларга эришилгандагина ижобий натижа бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи босқич –психологик аралашув ўзининг мақсади сифатида ўсмирнинг “бузилган” микроижтимоий соҳасини қайта қуриш (реконструкциялаш)ни белгилайди.Бу босқич ҳам бир неча даврларни ўз ичига олади.:

- муаммони ҳал этишнинг ўзига хос янги усуллари кўриб, таҳлил қилиб чиқиш;
- инқирозни ҳал этишнинг оптимал усуллари тўсиб қўювчи мослашмаган психологик установкаларни аниқлаш;
- мослашмаган психологик установкаларни психокоррекциялаш;
- терапевтик установкаларни фаоллаштириш.

Муаммонинг ўзига хос усуллари таҳлил қилиб чиқиш, энг аввало, ўсмирнинг микроижтимоий мослашувчанлигини енгиллаштирувчи, ўта аҳамиятли муносабатларни шакллантиришни таъминловчи эмоционал яқин шахсларни излаб топишни кўзда тутди.

Мослашмаган психологик установкаларни аниқлаш ва уларни психокоррекциялаш ўсмир учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунда у ёки бу қадриятнинг ўсмир ҳаётидан ҳам кўпроқ аҳамиятга эгалиги ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, суицидал омилларни долзарблаштирувчи устувор қадриятни пасайтиришдан ташкил топади.

Психологик диагностика ва коррекциянинг учинчи, якуний босқичини мослашиш даражасини ошириш ташкил этиб, у ҳам бир неча даврлардан ташкил топади:

- мослашмаган психологик установкаларга нисбатан ўзини назорат қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш;

-ўсмирнинг микроижтимоий муҳитидаги аҳамиятли шахсларни психокоррекциялаш ишига жалб қилиш орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш доирасини кенгайтириш.

Мослашиш кўникмаларини шакллантиришнинг тренинг даври-ўсмирнинг низога нисбатан ўз позициясини ўзгартиришга қарор қилиши дақиқасидан бошланади. Ушбу босқичда муаммони ечишнинг янги усуллари синовдан ўтказиш ва мустаҳкамлаш содир бўлади. Бунда ҳаддан зиёд психоэмоционал ўзаро алоқаларга нисбатан эҳтиёж, касбий соҳасининг етарлича ривожланмаганлиги, фрустрация вазиятида унинг ўрнини қоплаш қобилиятининг заифлиги каби бир қатор мослашмаган шахсий белгиларнинг коррекцияси амалга

Суицидал хулқ-атворли ўсмирлар билан ишлашнинг умумий тамойилларини қуйидагилар ташкил этади:

- биринчи лаҳзадан эмпатик, интенсив-эмоционал хайрихоҳлик туси, ўсмирга нисбатан норасмий муносабатни ўрнатиш;

- ўсмирнинг хоҳиш- истаклари, ташвишлари ва қўрқувлардан халос бўлишига имкон бериш;

- имкониятларини фаоллаштириш;

- анонимлилик талабига риоя этиш.

Ўсмирлар билан амалга ошириладиган биринчи суҳбат жараёнининг асосий вазифаларини қуйидагилар ташкил этади. Булар;

- эмоционал тангликни камайтириш;

- суицидоген ҳиссиётларини “тўсиб қўйиш”;

- ўсмирни қийин вазиятларни енгиб ўтишга сафарбар қилиш;


- ушбу инқироз жараёнидаги психологик шикастланиш (жароҳат) ҳолатлари эҳтимоли ва уларга адекват жавоб қайтаришга тайёрланиш;

- ўсмирнинг эътиборини муаммолли вазиятдан ўзининг ички муаммоларига қаратган ҳолда унинг навбатдаги психологик ёрдамини қабул қилишнинг мотивациясини кучайтириш.

Бу жараёндаги қийинчилик шундаки, нисбатан қисқа муддатли психологик диагностика ва коррекция жараёнида ўсмирнинг юксак мотивацияга эга бўлишида яққол кўринади.

Суицидал хулқ-атворли ўсмирларда, кўпинча эмоционал алоқа қилишнинг имкони пасайган, мотивация умуман намоён бўлишга улгурмаган бўлади Шунинг учун ҳам ўсмир билан биринчи учрашув ва суҳбат ҳар икки томон, яъни ўсмир-психолог диадик муносабатининг қийматини белгилайди. Ўсмир шаклланган инқирозли вазиятдан чиқиб кетишни хоҳлайди, лекин таклиф этилган ёрдамни “Қабул қилишни истамайди”. Шу боис ҳам, улар билан ўзаро мақбул алоқаларни тиклаш ва ҳамкорлик, шунингдек, вазият таҳлилини аниқлашга қаратилган суҳбатнинг психологик тавсифи ҳақида сўз юритмоқ жоиздир. Ўсмир хулқ-атворини тадқиқ этишга доир суҳбатлар муайян тамойиллар асосида тузилиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўсмирлар билан ўтказиладиган биринчи суҳбат давомида қўлланилган психологик усулларнинг барча йўналишлари унда кейинги ўзгаришлар мотивациясини яратишга қаратилмоғи лозим (



Суҳбат методида қўлланиладиган психологик усуллар

Биринчи усул– шахсий идентификациясини кучайтириш. Бунда ўсмирга дахлдор ижтимоий-демографик маълумотларни аниқлаш, унинг ёши, касб-

хунари, оиладаги мавқеи ҳақидаги маълумотларни оғзаки баён этиши муҳимдир. Бу, айниқса, вазиятли реакциялар пайтида ифодаланадиган шахс идентификациясидаги бузилишларни енгиб ўтишга ёрдам беради.

Иккинчи усул – вазиятни тизимлаштириш (структуралаштириш). Инқирозли вазият юзага келишининг сабаби ҳисобланмиш ҳодисалар кетма-кетлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи усул – вазиятнинг фавқулоддалигини енгиб ўтиш. Кўпгина ҳолларда ноқулай вазият ўсмир томонидан унинг шахсий камчиликлари ва хато-ҳаракатлари оқибатида фақатгина унда содир этилган охириги, энг кескин ҳолат сифатида тасаввур қилинади. Аммо муҳим вазифа бундай вазиятларда кўплаб одамларнинг ҳаётида ҳам учраб туришини эҳтиёткорлик ва хушмуомалалик билан уқтириб ўтишдан иборат.

Тўртинчи усул – контекстга киришиш. Юзага келган қандайдир ноқулай шароит ўсмир томонидан кутилмаган, енгиб бўлмайдиган, чорасиз вазият сифатида идрок этилади. Аммо унинг тузилмаси ва динамикасини очиб бериш орқали, ўсмирнинг бу вазият узоқ вақт давомида шаклланганлиги, шахсий турмушда, аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган баъзи бир ҳодисалар билан алоқадорлиги, бундан келиб чиқиб, у ўзгартирилиши мумкинлигини англашига ёрдам кўрсатилади.

Бешинчи усул – кескинликни бартараф этиш. Кўпинча вужудга келтирилган вазият ўсмир учун зудлик билан ҳал этилиши лозимдек бўлиб кўринади, лекин бу ўринда унинг яхшилаб ўйлаб кўриши ва қарор қабул қилиши учун вақти борлигини уқтириш керак. Сухбат жараёнида кўпинча, шу нарса аёнки, ўсмир билан шунга ўхшаш кескин вазият бундан олдин ҳам содир бўлгани, аммо бу ҳолатни у аввал енгиб ўтиш имконини топишга эришган. Унинг нима учун эндиликда ушбу имкониятларни қўллай олмаётганлигининг сабабларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур вазиятга билан алоқадор бўлмаган яқин одамлари ҳақида тўла-тўқис маълумотни тўплаш ҳам муҳимдир. Чунки, кўпинча айнан ушбу референт гуруҳ шахслари – қариндошлари, дўстлари ўсмирнинг ушбу

инқироз ҳолатини енгиб ўтишга ёрдам берувчи қўллаб-қувватлашнинг манбаи ҳисобланадилар.

Психологнинг суицидал хулқ-атворли ўсмирлар билан ишлаш тартиби узлуксиз қуйидагича олиб борилган

Биринчи суҳбат жараёнида психолог-психиатр ҳамкорликда ёки алоҳида психодиагностик тадбирлар ҳажмини аниқлайди: булар шахсни тадқиқ этиш мўжалланган ёки патопсихологик методикалар бўлиши мумкин.

Биринчи ёки иккинчи учрашувдан сўнг, биринчи босқичда психодиагностик хулоса асосида шифокор психолог билан биргаликда психокоррекция тадбирларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бир қарорга келадилар. Агар коррекция тавсия этилса, психолог билан психиатр биргаликда унинг мақсади, ўтказилиш вақти ва методларини, шунингдек, учрашувлар сонини аниқлаштирадилар.

Иккинчи босқичда психологнинг 3-5 ҳафта давомида ҳафтасига ўртача иккита учрашув бевосита фаолиятини олиб бораётганида «умумийдан аниқликка (конкретликка), аниқликдан умумийликка» йўналтирилган касбий фаолиятнинг умумий режасини тузиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқич шартли равишда уч иерархиядан иборат бўлади; а) имкониятларни топиш; б) умумий тонусни кўтариш; в) ўсмирнинг теvarак - атрофдаги оламни адекват баҳолаш қобилиятини; г) малакали ёрдамга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш.

Умуман, иккинчи босқич ўсмирнинг атрофидаги аниқ муаммо ва вазифаларни ечиш учун ўтишига куч ва истак уйғотади, аниқ вазиятли ҳолатлар ўз қамрови, аҳамиятлилиги билан мақсадларга эришишга ишонтиради. Шунингдек ўсмирга ўз ҳаётий қадриятларини қайта кўриб чиқиш имконини беради.

Якуний босқичда маълум бир диагностик тестларни қайта ўтказиш (ретест) ва натижаларнинг психолог томонидан ижобий изоҳланишини назарда тутади.

Хорижий психолог ва суицидологларнинг диагностик-коррекцион ишига доир тажрибасидан фойдаланган ҳолда суицидалликнинг даражасини аниқлаш, ўз жонига суиқасд қилиш хавфини ўрганишда, ўсмир билан ўзаро келишув ташкил этадиган кенг қамровли клиник интервью, унинг суицидал хулқ-атвори психологик диагностикаси жараёнига тизимли ёндашувга имкон беради.

Клиник ва психологик маълумотларга асосланган ҳолда психологик коррекцион, профилактика курсини белгилаш мумкин бўлиб, унинг тезкор вазифасини ўсмирнинг психологик хусусиятлари ҳамда суициднинг типига мос тарзда замонавий методлар ёрдамида аниқлаш ташкил этади.

Ўсмирлик даврига хос суицидал хулқнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси комплекс ҳамда дифференциал хусусиятга эга эканлиги туфайли бунинг учун бир қатор вазифаларнинг ҳал этилиши талаб қилинади:

- аффектив тангликни бартараф этиш ва суицидал хавф даражасини камайтириш;

- инқирозли вазиятларни ҳал этиш;

- постсуицидал ҳолатларни коррекциялаш;

- шахснинг ижтимоий-психологик мослашувчанлиги даражасини барқарорлаштириш.

- руҳий шикастланиш (посттравматик) вазиятларига нисбатан ўсмир муносабатини ўзгартириш;

- ўсмирнинг индивидуал ва ижтимоий турмушдаги мавжудликнинг кейинги мазмунини топиши, келажак мақсад ва режалар тузиши;

- ижтимоий-психологик мослашувнинг тикланилиши.

Шундай қилиб, ўсмирлар суицидал хулқ-атворининг психологик диагностикаси ва коррекцияси ўзида қуйидагиларни акс эттириши лозим:

- суицид хавфи бўлган вазиятларни билиш ва аниқлай олиш;

- суицидал хулқ-атвор механизмини тушуниш;

- суицидал хулқ-атворнинг психологик диагностикаси ва коррекциясини амалга ошириш кўникмасига эга бўлиш;

- суицид хавфи бўлган ўсмирлар билан психопрофилактик ишларни олиб бориш маҳоратига уқувчанлик.

Ўсмир суицидентлар билан амалга ошириладиган психопрофилактик чора-тадбирлар

Замонавий психологияда мавжуд психологик профилактика амалий ва илмий назарияларга асосланган бўлиб, таълим муассасалари, оила, оммавий ахборот воситалари, жамоа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатларининг ҳамкорликда амалга оширилувчи ўзаро узвийликдаги комплекс чора-тадбирларини ўз ичига олади. Психологик тадқиқотларда суицидал уринишга айнан қайси нотўғри тарбиявий таъсир ёки девиант ҳуққ кўринишлари сабаб бўлганлиги тўлиқ аниқланмаган. Шу боис суицидал фаоллик ривожланиш хавфи мавжуд гуруҳларга тааллуқли бўлган педагогик-психологик коррекцион дастурлар комплекси ишлаб чиқилиши зарур. Бу дастурлар ўсмир суицидентларнинг ўз ҳуққ-атворини назорат қилишга кўмаклашиш, муқобил ижтимоий муҳит билан алоқасини тиклаш ва ривожлантиришнинг педагогик-психологик усул ва воситаларини аниқлашга қаратилган. Олиб бориладиган психопрофилактик тадбирларда ўсмирларни унинг атрофидаги шахсларнинг салбий таъсирларидан сақлаш мақсадида психологик-педагогик ҳамда ижтимоий кўмак беришда қаратилган, яъни: а) оила, маҳалла, ўқув гуруҳи, синф ва педагогик жамоа, оммавий ахборот воситалари; б) ўсмирлар шахслараро муносабатлари асосий қирраларига таъсир қилувчи таълим ва тарбия шароитларини оптималлаштиришдан иборат.

Демак, психопрофилактиканинг асосий мақсади – ўсмирларда суицидал уринишлар содир этилишига олиб келувчи салбий ижтимоий-психологик, педагогик омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг коррекцион тарбиявий тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Ўсмирлар суицидал уринишларининг махсус профилактикаси қуйидагиларни қамраб олади:

- суицидал муаммолар тўғрисидаги миш-мишларни тарқатиб юбориш;
- ўсмирлар суицидал фаоллигини келтириб чиқарувчи ижтимоий - психологик вазиятларни тадқиқ этиш;

- суицидал хавф даражаси юқори бўлган ўсмирлар билан коррекцион тарбиявий ишларни амалга ошириш, улар билан доимий мулоқот ўрнатиш, муаммоларни ҳамкорликда муҳокама қилиш;

- суицидал фикрларни вужудга келтириш эҳтимоли мавжуд оммавий ахборот воситалари манбаларини таҳрир қилиш:

- Миллий урф одатлар, анъаналар, маросимлар қизиқарли, кўнгил очар дастурларнинг суицидал хулқ-атворли ўсмирлар билан ўтказиладиган психопрофилактик тадбирлар режаларига киритилиши, уларнинг атрофидаги инсонлар билан ижтимоий алоқалар ўрнатишлари, суицидал фаолликка олиб келиши мумкин бўлган ижтимоий дезадаптация ҳолатларини бартараф этиш имконини беради

Ўсмирлар билан олиб бориладиган психопрофилактик ишлар умумий йўналишининг асосий мазмунини жамоада суицидоген шароитининг сақланиб қолиши, суицидал хулқ-атворнинг шаклланишига имкон туғдирувчи педагогик -психологик, ижтимоий ва ижтимоий-психологик шарт-шароитларни заифлаштириш ва бартараф этиш ташкил қилиши лозим. Ўсмир ўз тенгқурлари, жамоа ҳаёти ва фаолиятида фаол иштирок этиб, жамоа манфаатларини кўзлаб яшашга ҳамда ўз хатти-ҳаракатларини ана шу жамоага бўйсундиришга ўрганади

Тажрибалар шуни кўрсатадики, психопрофилактик тадбирларни амалга ошириш бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, аниқ ечими мавжуд эмас фавқулодда мураккаб вазифа-бу, ўсмирларнинг суицидал хавф даражасини аниқлашдир. Мутахассисларнинг фикрича, суицид хавфининг индивидуал-психологик омилларини қуйидаги хусусиятлар ташкил этади:

- оилавий тарбия шароитлари (илк болаликда отасининг йўқлиги,

оилада матриархал услубдаги муносабатлар, ичкиликбоз, руҳий касал аъзолари бор оилада тарбияланганлик, ўсмирга нисбатан хаддан зиёд чеклашларёки кучли назоратунинг фикри билан ота-онанинг ҳисоблашмаслиги, болаликда бошидан кечирган кучли руҳий зўриқиш: кучли кўрқув, руҳий ёки жисмоний жароҳатлар, ўзгалар томонидан инкор этилиш, яқинлари томонидан ўз жонига суикасд қилиш содир этилган оилада тарбияланганлик ва ш.к.);

- Ўсмирнинг таълим муассаси, оила тарбиявий таъсирларига бефарқ муносабатда бўлиши;

- Такрорий суицидал ҳаракатларни содир этиш;

- хулқий оғишлар;

- ижтимоий мавқенинг йўқотилиши, ижтимоий муҳитдан ажралиб қолиш;

- Муқаддас севги муносабатларининг узилиши;

- Ўсмир қизиқишлари, эҳтиёжлари инобатга олинмаган ҳолда унга нисбатан ўтказилган “босим” (кийинишда, дўст танлашда, мактабдан кейинги таълим муассасасини танлашда) тайзиқ;

- жинойий жазоланадиган ҳаракатларни содир этиш;

Ўсмирлар суицидал хулқ-атвори профилактикасининг ниҳоятда муҳим, масъулиятли босқичини суицидентга ёрдам кўрсатиш ташкил этади. Психологик амалиётнинг кўрсатишича, суицидал фикрга эга бўлган ўсмирга ёрдам кўрсатишнинг уч асосий йўли мавжуд:

- ўсмирнинг суицидал хулқ-атворини ўз вақтида диагностика қилиш, ва унга мутаносиб психологик коррекциясини амалга ошириш;

- инқироз (депрессия) ҳолатидаги ўсмирни фаол эмоционал қўллаб-қувватлаш;

- салбий вазиятларни енгиллаштириш, юмшатиш мақсадида унинг ижобий йўналишларини рағбатлантириш. [91]

Коррекцион тадбирларни амалга ошириш жараёнидаги тарбиявий аралашувнинг имконияти ёки зарурий диагностик воситалари мавжуд

бўлмаган ҳолатларда ўсмирни қийин вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини аниқлаш ва инқирозли ҳолатни енгиб ўтишнинг марказида суицидент билан индивидуал профилактик суҳбат туради. У ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагиларда акс этади:

- ҳеч қачон ўсмирни суҳбатга учинчи шахслар орқали таклиф этиш мумкин эмас, таклиф шахсан билдирилиши лозим (яхшиси у билан тасодифий равишда учрашгандек бўлиб, у билан учрашув учун баҳона ёки қандайдир осон илтимос ёки вазифа билан мурожаат қилиш лозим).

- суҳбат жойини танлашда энг асосийси – бегоналарнинг бўлмаслигига эътиборни қаратиш (суҳбат қанча вақт давом этмасин, уни ҳеч ким бўлмаслиги лозим);

- иложи борича суҳбатни ишдан, ўқишдан кейинги вақтда режалаштириш лозим;

- суҳбат жараёнида ҳеч қандай ёзувларни олиб бормаслик, соатга қарамаслик, қандайдир ишларни «йўл-йўлакай» бажармаслик мақсадга мувофиқ бўлиб, ўзингизнинг бутун кўринишингиз билан суицидентга, Сиз учун ҳозир ушбу суҳбатдан муҳим ҳеч нарса йўқлигини намоён этиш лозим.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР:

. Суицидентлар ҳуқ-атвори педагогик, ижтимоий-психологик белги ва тузилмасини аниқлаш асосида ўсмирлар суицидал ҳуқ-атвори педагогик - психологик коррекциясининг қўлланилиши танланган мақсад, белгиланган вазифаларнинг амалга оширилганлиги изланиш фазини тасдиқлади. Юқоридаги мулоҳазаларга асосланган ҳолда, қуйидаги хулосалар чиқарилди.

1. Суицид муаммосининг узоқ йиллар давомида ёпиқлиги таълим- тарбия жараёни мутасадди ходимларининг ўсмирлардаги суицидал фаоллик билан боғлиқ инқирозли вазиятларда зарур педагогик-психологик ёрдамни кўрсата олмасликлари сабаб бўлди.

2. Суицидал уринишлар содир этган ўсмирларда шахслилик ва эмоционал жабҳа бузилишлари кузатилади. Суицидент ўсмирлар шахсининг

мотивацион-эҳтиёж соҳасини таҳлил этиш, содир бўлаётган суицид ходисаларини тушунишда зарур ва муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

3.Суицидал уринишларга олиб келиши мумкин бўлган, оиладаги ва шахслараро муносабатлардаги низоли вазиятлар, шахсий қадриятларни етарлича ҳис қила олмаслик, ўзини-ўзи назорат қилиш ҳамда баҳолашдаги ноадекватлик ҳисобланиб,улардаги долзарб эҳтиёжларнинг қондирилишига тўсқинликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, коррекцион тадбирларни амалга оширишда комплекс ёндашувни талаб этади.

4.Ўсмирлар суицидал хулқ-атвори психокоррекцияси, суицидаллик даражаси унинг руҳий ҳолати бўйича аниқ, чуқур ҳамда тезкор диагностикани амалга оширишда психологик-педагогик таъсир доираси, усул ва воситаларини аниқ танлаш ётади. Ўсмирларда ўз-ўзини намоён эта олиш имкониятларини топишга ёрдам бериш, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ижтимоий фойдали фаолиятга йўналтириш, истиқболли мақсадларга интилиш мотивациясини шакллантириш, коррекцион тадбирларни режалаштиришнинг мақсад ва вазифаларини белгилайди.

5.Психологик профилактик тадбирлар замонавий психология фанидаги мавжуд илмий назарияларга асосланган бўлиб, педагоглар, оналар,амалиётчи психологлар,маҳалла фаоллари, тиббиёт ва ижтимоий хизмат ходимларига ўсмир ҳаёти ва саломатлиги учун масъулият ҳиссини юклайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. - “Ўзбекистон”. - 2008.
2. Каримов, Ислон Абдуғаниевич. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2009. - 176 б.
3. Айви А., Айви М. Психологическое консультирование и психотерапия. М.: Научно-производственное изд-во г. Люберцы, 1999. - 487 с.
4. Амбрумова А. Г., Тихоненко В. А. Диагностика суицидального поведения // М.: Минздрав, 1990. - 106 с.
5. Амбрумова А.Г. Психология самоубийства // Социальная и клиническая психиатрия. – Москва, 1996. Т.6. – вып. 4. – С.14-20.
6. С.А.Ахунжанова ва бошқалар “Шахс инкироз ҳолатлари ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш” Тошкент 1997 156.
7. Бердяев Н.А. О самоубийстве // Психологический журнал. - 1992. -Т. 13.- №2.-С. 95-106.
8. Березин Ф.Б., Мирошников М. П. Методика многостороннего исследования личности. М.: Фолиум, 1994. - 175
9. Бубнов В.Г., Бубнова Н.В. Как предотвратить самоубийство. - М.: Изд-во «Гало», 1994. - 15 с.
10. Вагин Ю.Р. Профилактика суицидального и аддиктивного поведения у подростков. - Пермь, 1999. - 103 с.
11. Войцех В.Ф. Факторы риска повторных суицидальных попыток // Социальная и клиническая психиатрия. - 2002. - № 3. - С. 14-21.
12. Гроллман Э. Суицид: превенция, интервенция, поственция //
13. Суицидология: прошлое и настоящее: Проблема самоубийства в трудах философов, социологов, психотерапевтов и в художественных текстах. - М: «Когито-Центр», 2001. - С. 270 - 353.
14. М.Г.Давлетшин. С.А.Ахунжанова, Г.Б.Шоумаров ва бошқалар Ўзбекистон С.С.Р.да ўзбек аёлларининг ўз-ўзини ёндиришининг ижтимоий – психологик сабабларини ўрганиш. Методик тавсиялар .. Тошкент .1993й.

15. Давлетшин М.Г., Шоумаров Н.Б., Согинов “Предупреждение конфликтов в узбекской семье как один из факторов улучшения здорового образа жизни (психологические аспекты пропаганды здорового образа жизни)”. тез. докладов 3-республиканской научно практической конференции психологов. Сыктывкар 1988г. С. 81- 84.
16. Тўлаганова Г. Маҳкум этувчи хулқ ва унинг таснифи // Халқ таълими. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 54-56. (дев пов)
17. Умаров Б.М. Болалар ва ўсмирлар суицидининг ёш ва ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фанлари номзоди дис. – Тошкент: ТДПИ, 1993. – 154 б. (возрастные особен. суицида детей и подростков)
18. Умаров Б.М., Усмонов Э. Педагогик кадрларнинг ота-оналар билан ишлашнинг айрим психологик масалалари. (психологические аспекты совершенствование подготовки учительских кадров в педвузах и университетах в условиях непрерывного образования .Тезысы докладов науч. 19 Прак. Конференции. Часть 4 Ташкент 1994г.)
19. Усманов Э.Ш. Ўзбек хотин-қизлари суицидал хулқининг (ўз-ўзини ёндириш) ижтимоий психологик ва ёш хусусиятлари. Психол. ...фанлари номзоди дис. – Тошкент: ТДПИ, 1993 21-23 б.
20. Шоумаров Г. Б. Усманов Э.Ш. Умаров Б.М. Предупреждения суицида в рамках психологической службы в школе. (психологические аспекты совершенствования Т ашкент 1995г.
21. Эйдемиллер Э.Г. Диагностика суицидального риска в семье - СПб.: Питер,